

Шайтон васвасасига қарши ўқиладиган дуолар



18:54 / 23.09.2017 17706

Шайтон алайҳи лаъна инсоннинг энг катта душманидир. Унга қулоқ солган одам икки дунё бахт-саодатидан маҳрум бўлади. Шайтоннинг энг кучли қуроли бу васвадир. Васваса ёрдамида у инсонларни алдаб тўғри йўлдан адаштиради. У доим шай туриб бандани Аллоҳнинг марҳамати ва розилигидан узоқлаштириш мақсадида фурсат пойлайди. Шайтоннинг васвасасидан сақланмоқ ҳамда унинг измида бўлмаслик учун нима қилиш зарур? Ушбу калималар Аллоҳнинг изни ила шайтон васвасасидан сақлайди:

«Аллоҳ номи билан лаънатланган шайтондан паноҳ тилайман».

«Оят ал-Курсий».

«Ёсин» сураси.

«Ихлос», «Фалақ», «Нос» суралари.

«Улуғ Аллоҳга истиғфор айтаман ва Унга тавба қиламан».

«Аллоҳнинг мукамал калималари билан ҳар бир шайтондан, зарарли ҳашаротлардан ва ёмон кўздан паноҳ тилайман».

«Аллоҳнинг ҳамма калималари билан У яратган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман».

«Аллоҳнинг номи билан бошлайман. Аллоҳга таваккул қилдим. Аллоҳдан ўзга куч-қувват йўқдир».

«Аллоҳим! Сен Роббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Мени яратдинг ва мен Сенинг бандангман. Мен қодир бўлганимча Сенинг аҳдинг ва ваъдангдаман. Сендан ўзим қилган нарсаларнинг ёмонидан паноҳ тилайман. Сенинг менга берган неъматингни эътироф қиламан. Мени мағфират қил. Сендан бошқа ҳеч бир зот гуноҳларни мағфират қилмас».

«Биз ҳам, мулк ҳам Аллоҳники бўлган ҳолда тонг оттирдик. Ҳамд фақат Аллоҳга. У Ягонадир. Унинг шериги йўқ. Эй Раббим, Сендан бу кунда бўладиган яхшилиқни ва унга халқ қилинган нарсангнинг яхшисини сўрайман. Ва бу кунда бўладиган ёмонликдан ва унга халқ қилинган ёмонликдан паноҳ тилайман. Эй Раббим! Дангасалиқдан, қариликнинг ёмонлигидан, қабр азоби ва жаҳаннам азобидан паноҳ тилайман!»